

Кимки ҳақон меҳнат қилса дарах қолмайди. Омаднинг онаси меҳнат. У инсонни улуғлайди, шон-шарофат буюрайди. Одамлар ўз тақдирини меҳнат билан яратди. Совхозимиз коллективи буни чуқур ҳис этади. Ҳамиша сидирдиладан ишлади. Айниқса беш йилликнинг биринчи йилида мардонавор меҳнат қилди. Партия XXIV съезди қарорларини қатъият билан амалга ошира бошлади. Натига кутилганидан зиёда бўлди.

Ҳўжалигимиз 1971 йилни муваффақиятли якунлади. 5795 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27 центнер ўрнига, 30,5 центнердан хирмон кўтарди. Давлат оморига 17,7 миң тонна «оқ олтун» тўқилди. Бу, пландагидан 2200 тонна кўп. Бир йилда ҳосилни шунча кўпайтириш Қўрғонтепа шарафига катта ғап. Шунинг қувонарлики, совхозимизда ҳар бир ишловчи ҳисобига 14 тоннадан пахта етиштирилди.

Ҳайдар Исмоилов бошлиқ бригада совхозда рекорд кўйди. Ҳосилдорлики кескин ошди. 117 гектар еридан ҳар гектаридан 42,1 центнер «оқ олтун» териб олди. Бу бригада ҳар бир ишчи ҳисобига 17,5 тонна пахта берди. Усмон Ашуров бригадаси ҳар гектар ердан давлатга 36,2 центнердан, Кибор Азизов бригадаси эса 34,5 центнердан дурдона етказиб берди. Ҳақимжон Каримов, Алижон Бегматов раҳбарлик қилаётган бўлимлар ҳар гектар ердан 33 центнердан ҳосил олдлар.

Совхозимиздаги олти бўлим ва 50 бригаданинг ҳаммаси пахта тайёрлаш йиллик планини ортири билан адо этди. 25 бригадаси совхоз кўрсаткичидан юқори ҳосил етиштирди. Бу ютуқларга ички имкониятлар ва резервлардан самарали фойдаланиш йўли билан эришилди. Бўлим ва бригадаларда пахтачиларни

ИЛГОР ТАЖРИБАЛАР МАКТАБИ

МАШИНАЛАР ТАЯНЧИМИЗ

комплекс механизациялашга алоҳида эътибор берилди. Оғир кўл меҳнати қудратли техника зиммасига юкланди. Кетмон ишлатмасдан пахта етиштириш йўлга қўйилди. Кўл меҳнати карта четларига сарф қилинди.

Бир неча йиллиқда, етиштирилган ҳосилнинг учдан икки қисmini машина билан териб оламиз. Бултур совхозимиз далаларида 120 та «зангори кема» ишлади. Ҳар бир агрегат бункеридан 100 тоннадан эъёд пахта тўқилди. Машинада пахта терилиши ўсишини юқоридаги диаграммалар кўрсатди.

Машинанинг шарофати билан терим муддати йил сайин қисқариб борапти. Масалан, 1970 йили пахта тайёрлаш планини 36 иш кунига бажарган бўлсан, бултур 30 иш кунига рапорт берди. Пахтанинг 84 проценти биринчи сортга қабул қилинди. Сортини яхшилаш ҳисобига 703 миң сўм қўшимча муқофотга эга бўлди. Совхозимиз коллективи пахтани тўқмасдан тоза териб ташлабоси билан чиққан эди. Терим олдидан бир ҳафталик курс очилди. 120 механик-ҳайдовчининг ҳаммаси ўқиди, машинанинг кўз илтамас «сир»


ларини ўрганди. Назарий билимини мустаҳкамлаш механизаторлар терим даврида жасорат кўрсатишди, пахтани тоза теришга ҳаракат қилдилар. Ишланганга толе ёр деганлари рост экан. Биргина ўтган йилнинг ўзида машинада терилган пахтанинг ифлослигини камайтирганимиз учун 120 миң сўм қўшимча ҳақ олди.

Совхозимизда қўлда подбор териб кескин камайтирилди. Бунга эришиш учун механик-ҳайдовчиларнинг масъулиятини оширдик. Уларни агрегатни тўғри созушга ўргатдик. Механизаторларнинг ишига кўп пахта тегганига қараб эмас, ерга тўқмай терганига қараб баҳо бердик. Биринчи теримини пахта 50 — 60 процент оқилганда бошлашни қатъий қилиб қўйдик. Машина қайрилганда жойини кенгроқ, сифатли тайёрладик. Бошқа омишлар ҳам қўйилди. Пахтани тўқмай терган механизаторлар рағбатлан-тирилди. Кўп ҳўжаликларда подбор терадиган машиналарда фойдаланилмайди. Бизда ундай эмас. 20 га яқин подбор терадиган агрегат юқори унум билан ишлатилди. Совхозимиз

механизаторлари шу йўл билан аста-секин қўлда подбор теришга чек қўйишмоқда.

Ҳўжалигимизда бир-биридан қўлишмайдиган механизаторлар отряди қамол топди. Комилжон Ғаниев, Наби Азизов, Ширф Мемедов, Ориф Шайхидинов, Рафиқ Исмоилов ва беш нафар механик-ҳайдовчиларимиз пахтани тўқмай тоза теришга илк тажриба тўпладилар. Уларнинг ҳар бири ўтган мавсумда 130-175 тоннадан пахта тердилар. Ака-ука Қобилжон, Собиржон Зулдуновлар эса ўз агрегатлари бункерларидан 235 тонна пахта тўқдилар.

Ҳосилнинг кўп қисmini машинада терилган ҳўжалигимиз катта манфаат кўрди. Совхозимиз 1971 йилда фақат пахтанинг ўзидан 3 миллион 700 миң сўм даромад қилди. Бу, мўлжалдагидан бир неча миң сўм кўп. Олинган соф фойда 4 миллион сўмга яқин бўлди. Ҳар бир ишчининг ўртача йиллик иш ҳақи 1298 сўмга тўғри келди. Ҳўжалигимизнинг рентабеллик даражаси қандай ўса-



1960 1971

ётганини қўйидаги мисолдан билса бўлади. 1969 йилда рентабеллик 40,3 процент бўлган бўлса, 1971 йилга келиб 67 проценти ташкил этди.

Ишлаб чиқариш харажатлари йил сайин камайиб бормоқда. Бултур 1 центнер пахта етиштириш учун 2,5 иш куни сарфланди. Махсулот таннархи 1970 йилдагига нисбатан бир миңча арзонлаштирилди. Ёнидан тежаб-тергаб фойдаланилмоқда. Совхозда машиналарга ёниги қўйиш марказлаштирилди. Тракторларни ремонт қилиш муддати қисқартирилди. Ремонт харажатларини камайтиргани учун тежалган пулнинг бир қисми тракторчиларга берилган бўлди.

Қўлга киритилган ютуқларни бу йил мустаҳкамлаймиз. Республика партия ва ҳукумати-нинг ақлида чиқарган қарорда пахтачиларни комплекс механизациялашнинг, «оқ олтун» етиштиришни тобора кўпайти-ришини ойдин йўللари белги-лаб берилди. Совхозимиз коллективи бу қарорга жавобан беш йилликнинг иккинчи йили-да 5800 гектар еридан ҳар гек-таридан камида 32 центнердан

хирмон кўтариш, давлатга 18 миң 500 тонна пахта топириш, яъни ҳосилнинг 75 проценти бункерлардан тўқиб мажбуриятини олди.

Совхозимиздаги катта-кичик-ни тўлаб, юксак мажбуриятни бажариш, пахта ҳосилдорлигини ошириш учун нимадир қилиш кераклиги ҳақида масла-хатлашдик. Иккита бўлим, 25 та бригада совхоз кўрсаткичи-дан паст ҳосил олганлиги маъ-лум бўлди. Солиқ Каримов, Зи-ядин Қосимов раҳбарлик қила-ётган бўлимлар. Атлас Меҳра-лиев, Аладдин Вейсалов, Ҳасан Исабоев бошлиқ бригадалар 26-27 центнердан хирмон кў-тардилар. Агар шу бўлим ва бригадаларда ҳосилдорлик сов-хоз даражасига кўтариб, қў-шимча 700 тонна пахтага эга бўлиш мумкин. Совхозимиз кол-лективи ҳозир шу ҳақда ўй-ляпти.

Ҳўжалигимизда кузги-қишги ишлар изчил амалга оширил-моқда. Кузда мавжуд пахта майдонининг ҳаммаси чуқур шудор қилиб қўйилди. Ҳайлов олдидан ҳар гектар ерга 500 килограммдан фосфорли ўғит солилди. Сугорилиш шохчалари-ни тозалаш, давлат маҳаллий ўғит-чиқариш қилиш. Бултур 813 гектар майдонга кент қаторлаб чигит эккан эдик. Нати-жа яқин бўлди. Бу йил 1500 гектар ерга шу усулда чигит эканмиз. Ўтган йили тажриба-дан 1000 гектар майдонга гер-бицид ишлатганидик. Беш йил-ликнинг иккинчи йилида иложи борича кўпроқ ерга гербицид сепа-миз. 1500 гектар майдонга туқсилантирилган чигит эком-чимиз. Режаларимиз ана шун-дай.

Бозорбўй АБДУРАХМОНОВ. Андижон области, Қўрғонтепа районидаги Ленин ор-денли «Саваб» совхозининг директори, республикада хизмат кўрсатган агроном.

СОЛДАТ мактублари

ТАНҚЧИ ЙИГИТ

Абдумуроднинг орауси амалга ошди. У қишлоқ ҳў-жалии техникумини тугатган бўлса ҳам, танқич бўлишни ёшлидан озу қиларди. Совет Армияси сафига қақирлагач, бахтига танқичлар тайёрла-диган ўқув юртига тушди. Ма-на энди қудратли қарбий ма-шинани бошқаришни мукма-мал ўрганиб олди.

Яқинда бўлиб ўтган танқич машғулотда командиримиз мо-хир танқич Абдумуроднинг Ко-дирова ташкироти эълон қилди ва унинг кўксига «Совет Ар-мияси аълочили» знаменни қадаб қўйди.

Н. БАННОПОВ.

Н-қисм.

ҲАРБИЙ ФЕЛЬДШЕР

Қисимизда Абдумурод Рў-зимуродовни ҳамма хурмат қиларди. Бўш вақтларда ҳам-юртлар Абдумуроднинг олдига кириб у билан суҳбатлашди-лар. У ҳеч кимдан ёрдамни аямайдиган ўртоқ, тиббий ёр-дам кўрсатишга доим тайёр турарди қарбий фельдшердир.

Армия сафига киришга ки-лиш мен учун катта мактаб бўлди. — дейди фельдшер. Хизматни тугатиб қайтгач, а-лбатта, медицина институтига ўқишмоқчиман.

Ҳа, Абдумуроднинг мақсади бутун ҳаётини инсон саломат-лиги учун бағишлашдир.

М. СИДДИҚОВ.

АЪЛОЧИ СОЛДАТЛАР

Командирова билан Н-қисм-га бордик. У ерда Ўзбекистон-даги йигитлардан кимлар хиз-мат қилаётганлиги билан ки-зиқдик. Қисм командирини мени ҳамюртларим билан таниш-тирдик. Андижоннинг сержант Азизжон Раҳимов, олдий сол-датлардан маргилонлиқ Жамо-лиддин Камолитдинов, қўн-қонли Шавкатжон Абдурахмонов, наманганлиқ Олимжон Маҳму-дов, тошкентлик Абдували Каримов ва бошқа ўзбек йигит-лари шу ерда хизмат қилар-эдилар. Командир ҳамюртларим эъло даражада ўтаётганли-ларини, уларнинг кўпчилиги «Совет Армияси аълочили» зна-менини олишга муваффақ бўл-ганини қилиб қилиб берганда фазилатини наведим. Янги о-ртирган дўстларим ўз хизмати-неланидан озу-режаларни ҳақида сузлаб бердилар. Узоқ давом этган суҳбатдан сўнг улар билан хайрлашганга тў-ри келди. Лекин дўстлигимиз давом этади. Биз армия сафи-дан қайтган учрашшига ваъ-далашдик.

О. ХОЛЖУАЕВ,

олдий асар.

Редакциямизга армия сафи-да хизмат қилаётган ўзбек йи-гитларидан келатган хатлар-да ана шундай қувончли во-қеалар маълум қилинган. А. Ойчиев, А. Маммажонов, Ж. Пиримов, А. Отабуллаев, Я. Ра-химов, И. Ражабов ва бошқа солдатларнинг мактубларида ҳам ўзбекистонлик солдатлар сиёсий ва мангавар тайёр-гарликда ҳамма пешқадам бўлаётганликлари, улар ҳар-бий техникани пухта ўрганаёт-ганликлари ҳақида қиёна қи-линади.

Тошкентдаги кўн-галантерия фабрикасининг коллективи янги килдан янги фасондаги буюмлар иш-лаб чиқаришга киришди. Моторси-на ўрток Л. Зокирова сўйма тайёр-лаш ҳеҳида махсулотларнинг аъло сифатли бўлиши учун жон кунди-риб ишлаганди. Суратда: пешқадам ишчи ўртоқ Л. Зокирова.

Қ. Розинков фотоси. (ЎТАГ).

МИРИШКОРЛАР ҲАҚИДА КИТОБЛАР

● НУКУС. Қорақалпоғистон наشريети автоном республика, республикадаги деҳқончилик ва чорвачилик миришкорлари тўғрисида китоблар нашр этишга ки-ришди. Нукус районидagi икти-сослаштирилган шолкор «ВЛКСМ 50 йилгига» совхоз илгор ком-плекс-механизациялашган брига-дасининг бошлиғи Алексей Кан-нинг иш тажрибаси тўғрисида эълонга чиқариб қилиб бе-зилган китоб магазини жовонлар-да пайдо бўлди.

Бу бригаданинг аъзолари икти-сослаштирилган ҳўжаликларнинг шолкорлари ўртасида ҳосилни биринчи бўлиб, механизаторлар бил-лан омишери усулда билишти-риб олишни қўллана бошладилар. Улар шол корхонадаги юзасидан Қорақалпоғистонда рекорд кўйдилар. Бригада аъзолари 220 гектар майдоннинг ҳар гектаридан қабул қилиш пунктларига қа-риб 60 центнердан шолк етказ-иб бердилар. (ЎТАГ).

МУЗИКА МАКТАБИ ЯНГИ БИНОДА

● ОЛМАЛИК. Олмаликдаги му-зика мактаби шаҳар марказида қурилган янги биного кўчиб ўтди. Бу бино Ленинград архитекторла-рининг лойиҳасига биноан қурил-ди. Бўлажак 20 та пианиночи, скрипкачи, баянчи, рубобчилар иктиёрига ёруғ синфхоналар, концерт зали, кутубхона, шунинг-дек ўнлаб янги музика асбоблари топириб қўйилди. Шу йил сен-табрдан бошлаб мактаб ўқувчи-лари анча кўпаяди.

Ҳозир Тошкент облатининг шаҳарлари ва районларида 50 та бошлар музика мактаби ш-лаб турибди.

ТЕРМИЗДА ХОЛОДИЛЬНИК

♦ ТЕРМИЗ, 13 январь. (ЎТАГ). Бу ерда қўриб битказилган хо-лодильник фойдаланишга топи-рилди. Холодильникнинг совуқлик 20 градусга етдиган камерала-рида 1,500 тоннага гўшт-сув ва балик махсулотлари сақланиши мумкин. Янги холодильник ёлғиз шаҳарга эмас, жанубий облат-нинг ҳамма районларига ҳам хиз-мат қилади.

ТЕХНИКА Янги ҳосил тараддуди

ШАРОФАТИ

Оқдари районидagi «Москва» колхозининг аъзолари КПСС Марказий Комитети Пленумла-ри қарорларини изчиллик бил-лан амалга ошириш учун кура-шиб, яхши натижаларини қўлга киритмоқдалар. Ҳўжалик ўт-ган йили яхши кўрсаткичлар билан якунлади. Пахта тайёр-лаш плани 132 процент бака-рилди. Яъни ҳосил аввалги йил-ларга нисбатан 812 тонна кў-пайтирилди. Гектар бошига ҳо-силдорлик 6,1 центнерга кўта-рилди. Соф фойда пландаги 277 миң сўм ўрнига 724 миң сўм-ни ташкил этди.

Ишлаб чиқариш планида пах-тачилардан 1639 миң 800 сўм даромад олиш мўлжалланган эди, амалда даромад 2443 миң сўмни ташкил этди. Чорвачи-лик ҳам ўтган йили сердаромад манбага айлантирилганлиги ҳи-соб-китоблардан ёркин кўриниб-турибди. Ана шулар ҳисобига иш кўни қиймати ошди, бўли-мас фондига маблағ сезилар-ли даражада кўпайди.

Бунга қандай эришилди? Пахта ҳосилдорлигини оши-ришда агротехника қондаларига қаттиқ риоя қилинди: чигит экин, ғўза қатор оралирини юмшатиш, сугорилиш ва ғўзани озиқлантириш энг қулай му-ддатларда ўтказилди. Ғўзани навобатлаб, механизациялашти-рилган усулда сугорилиш кенг қўлланилди. Ғўза туллари ҳосил терими охиригача тўла сақлаб қолинди.

Айниқса машина теримига катта эътибор берилди. Ғўза барги вақтида тўғитрилди. Бар-ча терим агрегатларининг унум-ли ишлаши таъминланди. План-даги 1200 тонна ўрнига 1682 тонна пахта «зангори кема»-ларда териб олинди.

— Қўлга киритилган муваф-фақиятимиз техника шарофа-ти билан, — дейди колхоз ра-иси Мамарасул Жўраев, — ҳо-силни тез сурьатлар билан йи-гитиштиришди. Давлатга сал-кам кўрт миң тонна биринчи сорт пахта сотишга эришилди. Бу соҳа бўйича плани 115 про-цент бакардик. Техникага ил-лос қўйганлигимиз туфайли 901 миң сўм қўшимча даромад қилдик. Бу 1970 йилга қара-

ганда қарийб 800 миң сўм кўп-дир.

Колхоздаги 18 та пахтачилик бригадасининг ҳаммаси йиллик планини тўла ва ошғини билан бажарди. Файзулла Хайитму-ров бошлиқ бригада 130 гек-тар пахта майдонининг ҳар ге-ктаридан 29 центнердан хирмон кўтарди. Мусулмон Ҳрозов, Хидир Мелков, Абдулгани Бўри-ев ўртоқлар раҳбарлик қилаёт-ган бригадалар ҳам план ва мажбуриятларини ошириб ба-жардилар. Самарқанд области партия комитетининг аъзоси Маърифат Эргашева бошлиқ комплекс механизациялашган бригада аъзолари Зарафшон дарёси ёқасидаги бўш ётан ер-дан 60 гектарини ўзлаштириб, дастлабки йилнинг ўзидаёқ ге-ктаридан 17 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлилар. Бригадада етиштирилган 96 тонна дурдона машинада те-риб олинди. Бригаданинг ҳар бир аъзоси ҳисобига 16 тонна-дан пахта етиштирилди. Бир центнер пахта етиштиришга 18 сўм 60 тиийн сарфланди. Бош-кача қилиб айтганда, ҳар цент-нер пахта етиштиришдан 12 сўм 30 тиийндан маблағ тежа-лд.

Беш йилликнинг иккинчи йи-лидаги режалар ҳам катта. Ер-лар ғўзаполадан тозаланиб, си-фатли шудорлаб қўйилди. Бу йил ҳар гектар ердан юқори ҳосил кўтариш белгиланди. Хо-вир қишлоқ ҳўжалик техника-си ремонт қилинмоқда.

1930 гектар чигит экилади. Шуд-горлаш олдидан ҳар гектарига 300-400 килограммдан супер-фосфат солинди. Ҳамма ерга самолёт билан минерал ўғит-берилди. Колхоз бош агрономи Эрка Мелнев бу ҳақда шундай деди:

— Минерал ўғитини самолёт ёрдамида солиш катта фойда беришини ўтган йилларда тажрибавар асосида синая кўрдик. Биринчидан, ер тешис ўғит-ланади. Ўғит исроф бўлмайди. Иккинчидан, уни ташкил, жо-лаштириш, машина билан бри-гадама-бригада ташиб ерга со-

лишга транспорт ишлатилмай-ди, маблар иқтисод қилинади. Биз йиллик ўғит нормасини мумкин қадар ҳайдаш олдидан ерга солиш табириларини кўр-дик. Йил бўйи тўпланган ма-ҳаллий ўғитнинг деярли кўп қисmini кузги шудорлаш ол-дидан солидик.

Колхозда қишқи дала ишле-ри қизгин давом эттирилмайд-и. 32 та тележка, қўлаб автома-шиналар, аравадар маҳаллий ўғит ташитишга сафарбар этил-ган. Ўғит ташитиладиган алоҳида бригада ташкил этилиб, кунига 260-270 тонна маҳаллий ўғит махсус хандоқларга тўп-ланаётди. Бешта экскаватор, бульдозер, грейдерда янги кол-лекторлар олинмоқда, паст-ба-лаид ер майдонлари текисла-нмоқда. Айрим тепаликларнинг эски туғурги шудорлаган участкаларга солинмоқда.

Айни пайтда ҳўжаликда 1971 йилги даромад таъсиротида пухта ҳозирлик қўрилмоқда. Дастлабки маълумотларга қа-раганда, колхознинг 1971 йил-ги умумий даромади 2 милли-он 680 миң сўмни ташкил этди. Бу 1970 йилдан салкам бир миллион сўм зиёд. Ҳар иш кунининг қиймати 1970 йилги 3 сўм 95 тиийн ўрнига 4 сўм 60 тиийндан тўғри келади. Кол-хозчиларнинг ойлик иш ҳақи ўрта ҳисобда ишлаб чиқариш планидаги 82 сўм ўрнига 113 сўмдан, механизатор, сувчи ва юқори ҳосилия бригада аъзо-лариники эса 150 сўм ва унлан ҳам юқори бўляпти.

Йили беш йилликнинг бирин-чи йили чорвачилик соҳасида ҳам юксалиш йили бўлди. Ҳар беш соғин ситир бошқича сўт етиштириш кўпайтирилди, буюқ олиш плани ошириб бажарилди. Қишлоқ ҳўжалик махсулотлари тайёрлаш ҳамда харил қилиш планлари барча турлари бўйи-ча адо этилди. «Москва»-лилар беш йилликнинг биринчи йили-да қўлга киритган меҳнат ютуқ-ларини бу йил янада мустаҳ-камлаш учун барча агротехни-ка тадбирларини амалга ошир-моқдалар.

Л. ЭРГАШЕВ,

Т. УНАБОВЕВ.

«Совет Ўзбекистони» мах-сус мухбирлари.

Самарқанд области.



ТАТЬЯНА ФАТИЕВА Тошкент туқимачилик комбинатига яқиндагина ишга келган эди. У қисқа вақт ичиди иккинчи фабрика коллективни ўртасида мохир йигирувчи бўлиб танилди. Ҳозир мусобақада олдинги сафда бормоқда.

В. Лейзерович фотоси. (ЎТАГ).

Ўзбекистон ГРАНИТИ

Тошдан турли-туман маъдан-лар олинади, у кишиликнинг моддий ҳаёти билан чамбарчас боғлангандир. Йўлингизда учра-ган ҳар бир тош ўзинга хос та-рихга эга. Борди-ю, бу тош би-лан яқиндан танишсангиз, у, албатта, «тил»га киради. Ҳар қандай қимматбаҳо фойдали қа-зилма қонининг очилиши олдий тошларни ўрганишдан бошла-нади. Чўпоннинг эътиборини тортган ўт рангли тош парчаси Олмалик мис қонининг топили-шига, ўзининг ғайри-табиий оғирлиги билан таажжублантир-ган қилиш ва изғиш тошлар Ҳайдаржон симоб қонининг очи-лишга, қул рангли юмшоқ тошлар марганец, оқ рангли қаттин кесаклар наолинни, кир совуқдек юмшоқ тош тошлари гилмош ва бошқа қонларнинг «сир»ларини билишга сабаб бўлган ва бўлмоқда.

Кишилик тарихида турли-ту-ман тошлар ўзинга хос ўрин тут-ган. Шу босндан бўлса керак кишилар табиати кезиб, унинг бағрида яшириниб ётган жози-бали, чиройли, ялтироқ тош

манбаларини қидириб топган-лар ва улардан ўз эҳтиёжлари йўлида фойдаланганлар. Лекин баъзан тошларнинг «сир»лари англаб етилмаган. Шу туфайли хуробот кишилари уларнинг мў-ъжизали тош яъни тош хурусли-ни наромат тоши, деб ситин-ганлар, чамқоқ тоши ва метео-рит парчаларини бўйниларига туюр қилиб, тақиб юрганлар. Феруза тошини эса абадий бахт рамзи сифатида узунка кўз қи-лганлар. Ёқут, лаъз ва бошқа қамеб тошларини ҳам шўҳра-ти барчага маълум.

Тошлар орасида гранит ало-ҳида ўрин тутди. У табиятда оқиб, қуларанг, қизил тусларда учрайди. Сирти яхшилаб сил-

лиқланса, ялтирайди ва жози-бали товланади. Сунъий равнш-да берилган чирой асрлар даво-мида қуёш, сув ва бошқа ўта-ришларга бардош беради ва катта босим остида ҳам ўз ху-суслигини ўзгартирмайди. Ленинград соборларидаги гра-нит устунлар, Италиядаги Сера-пит минораси пойдеворлари, Болтиқ денгизин бўйи гранит қо-ларини неча асрлар давомида нурамаслиги айтгандаримизнинг гувоҳидир. Шу сабабдан бўлса керак, гранит тошларининг мет-ро қурилишда, катта-катта кўп-рик ва улкан ГЭСларнинг пой-деворларини ўрнатилда аҳамия-ти кун сайин ортиб, улардан

фойдаланиш тобора кенгаймоқ-да.

Ўзгал Тошкентимизда ҳам метро қуриш лойиҳалари тас-диқланди, уни қуришга ки-ришилди. Шу мақсадда Ўз-бекистон ССР Геология ми-нистрлигига қарашли «Хим-геолперуд» экспедицияси зим-маси республикамизда гра-нит қонларини излаб топиш ва уни ўрганишдек масъулиятли иш топирилган. Ҳозир экс-педициянинг тажрибали геолога-ри Наманган облатинининг Чимён ва бошқа ерларида гра-нит қонларини излаш ишлари билан банд Шу қунигача кўп-ги ташкилий ва назарий ишлар

амалга оширилди. Чорнасар гранит қони тўла-тўқини ўрганиб қилинди. Юбилей йилининг ўзи-даёқ 939 куб метр гранит қа-зиб олинди. Бу гранитлар Га-залкент ва Москва тошини қайта ишлаш заводларида силсилла-ниб, турли қурилишларга юбо-рилди. Шулар қаторида Гага-рин кибитидаги анҳор бўй-лари, Ленин музейи ва бир неча кўприклар Чорнасар гранити билан жикозланди. Бу гранит қизил рангда бўлганли-ги учун ҳам кўпчиликнинг эътиборини ўзинга тортиди. Ўз-бекистон гранити фанат респу-бликамиз қурилишлари хуснига-хусн қўшибгина қолмай, бошқа чет эл мамлакатларида ҳам бе-заш ишларида кенг ишлати-лади. Шу мақсадлар учун Чорка-сар қонидан бир йилда 5000 куб метр гранит қазиб олиш мўлжалланмоқда. Қўриниб ту-рибдики, Ўзбекистон гранити довуғи узоқ-узоқларга ҳам та-раламоқда.

М. ЗОКИРОВ,

геолог.

СПОРТ

КУРЪА ТАШЛАНДИ

Утган чоршанба кун Швейцариядаги УЕФА штаб-квартирасида Европа футбол турнирлари бўйича куръа ташланди. Бунда Европа футбол федерацияси мазкур ўйинларда иштирок этадиган командаларнинг чорак финалда қайси қоллик тивлар ўзаро беллашишларини

аниқлаб берди. Жумладан, Европа чемпионатининг чорак финал ўйинларида Венгрия — Руминия, Англия — ГФР, Югославия — СССР, Италия — Бельгия командалари куч синаядиган бўлди.

Совет терма командаси футболчилари Европа биринчилигининг 1968 йилги кумуш совриндори югославиялик ўйинчилар билан 29.30 апрель ҳамда 13-14 майда учрашишди. Мазкур учрашууда қўл баланд келган команда эса ярим финалда Венгрия — Руминия командалари ўйини қўлиб билан юзлашди. СССР ёшлар терма командаси эса худди шу мuddатларда ГФР

дан келган тенгдошлари билан тўп суришадиган бўлди. Бугунги кунда кубок эгалари кубоги иштирокида курашни давом эттириш учун машқларни жадал бошлаб юборган пойтахт динамичлари чорак финалда «Црвена звезда» командаси билан беллашишди. Ўз ўйинлари билан халқаро майдонда мухлислар эътиборини қозongan Югославиянинг бу командаси 1971 йилги Европа чемпионлари кубогини учун курашда ярим финалгача чиқишга муваффақ бўлган. Команда састайнда машҳур футболчилардан Драган Джанжич ҳам бор.

ГАЗЕТА

СОВРИНДОРИ

Мақтаб ўқувчиларининг қишқик таътил кунлари бигандобчилар Украинанинг Запорожье шахрига тўртинчи марта йиғилишди. Бу ерда ёшлар газетаси «Комсомолец Запорожья» кубогини учун қўл тўли бўйича ўтказилган ўйинларда иштирок этган ўқувчилар республика мида вакиллари ҳам борлигини мусобақада ўсиралишимиз тўртинчи ўринни олишди.

КИЗЛАРИМИЗ

Эса майдон эгалари ҳамда украинлик гандболчилардан кейин мазкур газетанинг совриндори бўлишга эришдилар.

Тўртинчи марта

Швейцариянинг Гетеборг шаҳрида ўтказилган фигуралар учун мусобақалари мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. «Скандинавия» спорт саройидаги қизгин ўйинлар — Европа чемпионатида 18 мамлакатдан 90 га яқин энг кучли муз устидан рақс тушиш усталари иштирок эталти.

Спортнинг нафосатли ўйини

турида биринчилигини олиш бу сафар ҳам совет фигуралари рағибнаси эди. Ўзларининг нафис ҳаракатлари билан мухлисларни ром этган Ирина Година билан Алексей Улановлар жуфт бўлиб учинчи мусобақанинг дастлабки мухлим шартларини муваффақият билан бажаришди, чемпионатнинг тўртинчи марта олтин медалларини қўлга киритишга эришдилар. Биринчи программа бўйича кумуш медаллар ленинградлик Людмила Смирнова билан Андрей Сурафинга тегишди. Учинчи ўрин — бразилиялик Гросс ва Канадалик ГДРлар олдиди. Мусобақалар давом этмоқда.

КИЧИК ЧЕМПИОНАТДА

Бразилия мустаккилчилигининг 150 йиллигига бағишлаб ўтказилган футбол бўйича «Кичик» мажон чемпионати деб аталувчи ўйинларда ҳозирча 12 мамлакатнинг командалари қатнашиш учун розилини беринди. Бразилия футбол федерациясининг таклифига яқинда Португалия, Югославия, Франция футболли коллективлари ҳам қўшилишди. Бразилия турнири шу йил июнь ойининг охири — июлнинг бошларида ўтади.

ТЕАТР

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

11.25 — ТОШКЕНТ. 11.30 — Янгилар. 11.40 — Врч маслаҳати. 11.50 — Оча ер қиссаси. 12.30 — МОСКВА. 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — Музика оламига саҳнат. 18.40 — Ахборот. 19.00 — МОСКВА. 20.00 — ТОШКЕНТ. Оламга саҳнат. 20.50 — Ахборот. 21.05 — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артисти М. Убайдуллаеванинг ижодий портрети. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Ишчи — фахрли нсм. 23.05 — Театрфильм. 24.00 — МОСКВА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.15 — МОСКВА. 19.00 — Ўрт босарлар. 20.00 — Фаи оламиз. 20.40 — Телеспектакль. 22.00 — «Публицист». 22.30 — Хунокатли фильм. 22.40 — Композитор Арно Бабажанининг ижодий мочаси.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. Ўстларимиз астрадаси. 20.40 — Алюиб характер (бадий фильм).

ТЕАТР

НАВОЙИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 14/1 да Майсарнинг иши. 15/1 да Оқиш кўли. 16/1 да Се мур.

ХАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/1 да Табассум ўғрини. 16/1 да Арсана яратган киз (қудузи). Олтин девор (нечурун).

МУҚИМИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14/1 да Ёшиқда берган кўнгли. 15/1 да Халима. 16/1 да Хотиннинг эри.

КИНО

Россия империясининг салтана. ти ёни яна қўлга тушмас қасос. корлар — САНЪАТ САРОФИ. «КУКЧА» (қудуз ва кечурун).

Севидан Бенасиб — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда). «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (жуфт соатларда). «ЧАЙКА». «ХАМЗА». «ВОСТОК» (қудуз ва кечурун).

Хафиди душман — «ЎЗБЕКИСТОН». «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (қудуз ва кечурун). «СПУТНИК» (қудуз соат 12, 4 ва кеч соат 8 да). «МОСКВА» (ортаб соат 11.40 минит, қудуз 3 ва кеч соат 7 да).

Мен терговчи — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ». «СПУТНИК» (қудуз ва кечурун).

Ўғирлик — «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (тоқ соатларда, қудуз ва кечурун).

Ёшлар — «МОСКВА» (қудуз соат 1 ярим, 5 ва кеч соат 9 да).

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиуми, Тарих, тўшунуслик ва адабиётшунослик, иттиҳод ва философия бўлимлари, А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти коллективини институтнинг асосчиларидан бири, атоқли фольклоршунос олим, Ўзбек фольклори секторининг мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан аароби, филология фанлари доктори, профессор

Ҳоди Тиллаевчи ЗАРИФОВНИНГ

вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилаларди ва марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиришди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи дирекцияси, партия ташкилоти ва Махаллий комитети Ўзбек совет фольклористикасининг асосини, атоқли олим, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор бўлимининг мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан аароби, филология фанлари доктори, профессор

Ҳоди Тиллаевчи ЗАРИФОВНИНГ

вафоти мусобақати билан марҳумнинг оиласи ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этиди.

«Совет Ўзбекистони» газета редакцияси коллективни газетанинг Қорақалпоғистон АССР мухбири Р. Ёшимбетовга отаси Бекнон УРОЗОВНИНГ

вафот этганлиги мусобақати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва радиовишторини давлат комитети коллективни редактор 3. Му. саевга отаси

Зайидин МУСАВИН

бенаф вафот этганлиги мусобақати билан чуқур таъзия изҳор этиди.

Ўзбекистон ССР Савдо ми. нистратлиги коллективни некса савдо ходими, Самарқанд шаҳар савно моллари савдоси бошқармасининг директори

Самар БАХРИТДИНОВНИНГ

вафот этганлигини маълум қилди ва марҳумнинг оиласига чуқур таъзия билдиради.

Бир группа ўртоқлари.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Планетамизда

ЯНА ЁВУЗЛИК ФАКТАЛАРИ

ВАШИНГТОН. 12 январь. (ТАСС). Собик президент Яхёхоннинг Габрий Покистондаги жазочилари Шаркий Бенгалиянинг тинч аҳолисини қўллаб осиб ўлдирганликлари тўғрисидаги янгидан-янг фактлар жаҳон жамоатчилигига аён бўлиб қолмоқда. «Вашингтон пост» газетасининг мухбири Л. Симоненнинг берган хабарига Габрий Покистон жазочилари Дакка қйинидаги Харинахалпар қишлоғида ёвуз жипотлар қилганликлари айтилади. Мухбирнинг ёзиқига қараганда, бу қишлоқ «одамларни ёпсанга қириш лагерига» айлантириб юборилган эди. Бултур апрель ойининг ўзидagina Покистон қўшинлари мустаккилик учун курашадган Шаркий Бенгалия аҳолисининг курашини бостириш мақсадида келиб шу қишлоқда бир неча минг кишини отиб ўлдирганлар.

Бу қирғинни ўз қўли билан кўрган ва бир амаллаб қирғиндан қўтилиб қолган М.Масуд «Вашингтон пост» газетаси мухбири билан суҳбатда, бундай даҳшатли қотилликни тасвирлаб бериш учун сўз топа олмаган. де, «Кимки Бенгалиялик бўлса, уни киноятчи» деб ҳисоблаберишди, деди Масуд. Солдатлар «Сен бенгалияликмисан?» деган саволга «ха» деб жавоб берган кишини суриштирмай ўлдираришди». Шаркий Бенгалиянинг ҳамма томонидан бегуноҳ қишларни мана шу Харинахалпар қишлоғига олиб келиб ўлдириб олат бўлиб қолди. Даккадан ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларидан асир қилиб олинган кишиларни ҳар кун юс машиналарида шу қишлоққа олиб келиб уларни дарё бўйида отиб ташлай бердилар.

МУЖИБУР РАХМОН БАНГЛА ДЕШ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНING БОШ МИНИСТРИ

ДАККА. 12 январь. (ТАСС мухбири). Бугун бу ерда Бангладеш Халқ Республикасининг янги мувақат конституцияси эълон қилинди. Конституция бўйича Бангладеш идора қилишининг парламент формасини, нўзда утти. 1970 йил декабрида ўтказилган парламент сайловларида қонун чиқарувчи органларга сайланган кишиларнинг ҳаммаси республика парламентининг аъзолари бўлиб қолади.

Янги конституцияга мувофиқ, қонун чиқарувчи органда кўпчилигини ташкил этган партиянинг раҳбари бош министри бўлади. Бош министр нег ваюлатларга эга бўлади. Мужибур Рахмон Бангладеш Халқ Республикасининг бош министри қилиб тайинланди.

Доктор Абу Сайед Чоудхури мамлакат президенти бўлди.

ОҚ УЙ ГРУППАСИНИНГ ПЕКИНГА ҚИЛГАН САФАРИГА ДОИР

ВАШИНГТОН. 12 январь. (ТАСС). АҚШ президенти миллий халфасини масалалари билан шуғулланувчи ердмчи. сининг ўрибосари бригада генерали А. М. Хейг бошчилигида Оқ уйнинг махсус группаси Хитойга қилган сафаридан юча Вашингтонга қайтиб келди.

Махсус группа саставига кирган Оқ уйнинг матбуот масалалари билан шуғулланувчи секретари Р. Зиглер Вашингтонга қайтиб келганидан недин Хитой Халқ Республикасининг би билан муомала қилган вакиллари имкон борида ҳамкорлик қилмоқчи эканлигини кўрсатдилар, деб айтиди.

Шу мусобабат билан Америка газеталари Оқ уй группасининг аъзолари Пекинда «го. ат самийни кутуб олиди» деб таъкидламоқдалар. «Жэньминь жибао» газетасида Чжоу Ёнълаининг Америка президенти самолёти экпажининг аъзолари — Америка ҳарбий ҳаво кучларининг офицерлари билан тушган сурати эълон қилинганлигига газеталар эътиборин жалб қилмоқда.

Кузатувчилар — деб баъди шу хууседа «Нью-Йорк таймс» газетаси — хитойлар Пекининг Хинди-Хитойдаги иттифоқчилари устига бомблар ёғдириб турган Америка ҳарбий ҳаво кучларининг вакилларига пешвоз чиққан ўз раҳбарларини кўрсатишга тайёр эканликларининг ўзи оринишган натижанинг бир белгиси, деб ҳисобламоқдалар. Америка махфий хизмати вакилларида Пекини ва Шанхай аэропортиларининг аэровокзаллари районидаги ҳамма секцияларини фотосуратга олишга ижозат бериб хитойликлар кўрсатган миселси «меҳмондўстлиги»ни ҳам Америка матбуоти таъкидлаб ўтмоқда, оdatда бу жоиларини суратга олиш қатъий ман қилинар эди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

БОНН. Германия Федератив Республикасини муаффа министригининг маълумотларига қараганда, нейинги ўн бир йил ичида осмонда ва ерда руй берган фалокат натижасида бундесвер «Старфайтер» типидagi 146 самолётиндан ажралган. Ҳозирги вақтда Бундесвернинг икхтирида шу тиндаги 739 самолёт бор.

ВАРШАВА. Денгизчилар ва кемаасозлар шахри бўлган Гданьскда яна бир «Радуня» кемаасозли норхонаси куриб битказилди. Бу норхона Гданьск — Со. пот — Гдиня порт имплексидаги хизмат қилувчи кемаларни ремонтдан чиқариш учун ихтисослаштирилди.

ЛУСАКА. Жанубий Африка Республикасини аҳолиси 21 миллион кишига етди. Преторияда олинган хабарларга қараганда, у ерда эълон қилинган статистика маълумотларига мувофиқ аҳолининг энг кўп қисми африкаликлар бўлиб, улар 15 миллион кишидир. Бундан ташқари мамлакатда 3,5 миллион европаллик, 2 миллион аралаш юртли шахслар ва келиб чиқиши осиб. лик бўлган 650 минг киши яшаймоқда.

РАВАЛПИНДИ. 12 январь. (ТАСС). Покистон президенти З. Бхутто Қобулга қисқа муаддатли сафар қилганлиги бу ерда эълон қилинди. З. Бхутто Қобулда Афғонистон подшохи Муҳаммад Зоҳир шоҳ билан учрашди.

ИРОҚНИНГ Шимолий Румойла районига Совет Иттифонининг ердми билан миллий нефть саноати тикланмоқда. Корхона мамлакат нефть саноати ривожланишига асос солиб, бу ерда узоқ вақт хуим сурган гарб монополияларининг асоратига барҳам берилади.

Юқоридagi суратда: нефть омборлари қурилишида. Пастдаги суратда эса Жанубий Вьетнам халқ озодин курали кучларининг жангчиларини ирзиб турибсиз. Улар Куангчи вилоятида жангворлар позицияни эгаллаб туришмоқда.

ВИА—ТАСС фотолари.

ҲОДИ ЗАРИФ

Ўзбекистондаги энг кекса фан ва маданият ходимларидан бири, ўзбек совет фольклористикасининг асосини, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан аароби, СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор секторининг мудири, филология фанлари доктори, профессор Ҳоди Зарифовнинг юраги уришдан тухтади.

1905 йилда туғилган Ҳоди Зариф ўз ҳаётининг қарийб 50 йилини ўзбек фольклори ва этнографияси материаллари билан ўзгаришга бағишлади. Унинг ташаббуси ва бевосита иштирокида Эрдаш Жумабўлбул ўғли, Фозил Бўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Бола бахши каби ўнлаб йирик ўзбек халқ достончилари топилиди ва ўрганилди. 40 йилдан ортқ давр мобайнида у фольклор ва этнографик ҳамда лингвистик экспедицияларга бошчилиқ қилиб келди. Натижада А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтига ўз материалларининг рангбаранглиги ва бойлиги билан

машҳур бўлган Фольклор архиви майдонга келди.

Ҳоди Зариф — Совет Иттифонининг энг йирик фольклористларидан бири эди. Унинг 1927 йилдан нагр этила бошлаган илмий асарлари, айниқса, халқ эпосига оид тадиқотлари Ватанимизда ташқарида ҳам шухрат қозонган.

Ҳоди Зариф революциядан илгарини ўзбек адабиётининг билимдонларидан бири эди. Унинг Лутфий, Навоий, Муқимий, Фурқат ижоди ҳақидаги асарлари ўзбек адабиётшунослигига қўшилган қимматли ҳиссидир. Унинг тахририда ўзбек классик адабиётининг танқидий текстлари нагр этилди. У ҳукумат комиссиясининг маслул секретари сифатида Алишер Навоий юбилейларини ўтказишга анча куч сарф қилди.

Ҳоди Зариф республика мида маорифининг ҳам энг кекса ходимларидан бири эди. Ўзбек фольклоридан олий ўқув юрталар учун тузилган биринчи дарслик ва программалар ҳам унинг томонидан ва бевосита иштирокида тузилган эди.

1939 йилдан Ҳоди Зариф СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси эди.

Ҳоди Зариф республика мида фаннинг кўзга қўринган ташкилчиларидан бири эди. Узоқ йиллар давомида у Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт, Абурайхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтларига ва Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейига бошчилиқ қилди.

Ҳоди Зариф илмий кадрлар тайёрлашга ҳам кўп куч сарф қилди. Ўзбекистон ва бир қанча Ўрта Осиё республикаларида ишлаётган ўнлаб фан докторлари ва кандидатлари унинг раҳбарлигида муваффақиятли диссертация ёзганлар.

Ҳоди Зариф бир қатор ҳукумат мукофотлари билан тадирланган эди.

Ҳоди Зарифнинг ёрғин хотираси сафдоилари ва шогирдларининг иши ва дидада ҳамини алашайди.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Бизнинг адрес ва телефонлари: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №26. Редактор — 336545, Редактор урибосарлари — 337914, 330683, Масъу секретарь — 334455, Масъу секретарь урибосарлари — 337283, Партия урумуши — 333469, 337221, Марксизм Ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455, Халқаро ҳаёт — 337221, Сановат, напгил курлиш ва трасспорт — 334780, Совет курлиш — 332358, Қишлоқ хўжалиги — 337694, Алюиб ва савгав — 332036, 331216, Фал, мичаёб ва олий ўқув юрталари — 334451, Махаллий ахборот ва спорт — 331424, Оқимовий ишлар ва кетлар — 332143, 338553, Илтирошчи — 334524, Стенгграфистка — 337343, Корреспондент — 337162, Ёшларлар — 338142, Коммутиватор — 330248, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330158, 330257, 330258, ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48—85, Бухоро — 3—31—42, Қарши — 38—42, Нукус — 42—62, Самарқанд — 31—672, Термиз 54—01, Урганч — 34—53, Фарғона — 4—29—44.